

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ СОЗАНДАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Умарова Гулжаҳон Абдурахим қизи,  
Шерматова Саҳоба Раҳмонберди қизи  
Фарғона давлат университети  
2-курс “Муסיқий таълим ва санъат”  
йўналиши магистрлари  
[umarovaguljahon95@gmail.com](mailto:umarovaguljahon95@gmail.com)  
[sahoba1992@gmail.com](mailto:sahoba1992@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8002690>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Марказий Осие созандаларининг шаклланиш тарихи ва улар фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, Марказий Осиеда яшаб ўтган буюк шоир ва мутафаккирлар Абу Абдулло Рудакий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кабиларнинг созлар ҳақидаги фикрлари баён қилинади.

**Калит сўзлар:** Муסיқа, Марказий Осие, созанда, дутор, чолғу, ижрочи, хонанда, мавзе, бастакор, ижод, ижодкор, миллий, маданият, муסיқашунос.

Маълумотларга қараганда, дастлаб Ўрта Осиеда муסיқа асбоблари – уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ва торли созлар (доира, най, уд) вужудга келган. Бунга мисол, Афросиеб (қадимги Самарқанд шаҳрининг ўрни)дан топилган кўпгина хайкалчаларда аксарият доира, най, уд чалаётган созандаларнинг тасвири туширилган. Шунингдек, машхур адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам қадимий қўлғезмаларга таянган ҳолда ўзининг маданият тарихига оид асарларида X-XII асрларда танбур, рубоб, кўс ноғора, кўбиз, най, сурнай, карнай, қонун каби торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблари ўлкамизда кенг тарқалганлигини таъкидлаб ўтади.

Ўрта Осие заминида яшаган йирик созанда, ўнлаб куйлар ижодкори Барбад VII аср бошларида Эрон сосонийлари сулоласидан бўлган Хисрав саройида хизмат қилади. Афсонавий ижрочилик маҳоратига эга бўлган Барбад буюк ижрочилик маҳорати билан биргаликда муסיқий созларнинг яратувчиси эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. У яратган соз 4 торли бўлиб, X-XII асрларда Хуросон ва Туронда кенг тарқалган. Тарихчиларнинг берган маълумотидан маълумки, Барбад мадҳия ва тарихий қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этган.

IX-X асрда яшаб ўтган буюк шоир Абу Абдулло Рудакий ҳам ўз замонасида чанг созини чалишда моҳир бўлганлиги, айниқса, “Бўйи жуйи мулие” шеърини ушшоқ куйига солиб айтгани қадимги қўлғезмаларда кўрсатиб ўтилган.

Фаробий ўзининг “Катта муסיқа китоби”да, Сафиуддин Урмавийнинг муסיқий рисоласида, Абдулқодир Мароғийнинг “Жами ал-алхон фи-илм ал-муסיқий” рисоласида, Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси” номли асарида, Зайнуллобиддин Хусайний “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий муסיқий” рисолаларида муסיқа чолғуларини ўрганиш билан бирга, уни тадқиқ этиш масалалари ҳам тўхталиб ўтганлар ва ўз даврларнинг муסיқий чолғулари ҳақида маълумотлар беришган.

Абу Наср Форобий Марказий Осиедан чиққан буюк фан арбобларидан саналади. Ўрта аср фан ва маданиятига улкан хисса қўшган бу олим илм-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўзидан салмоқли мурос қолдирган. Форобий риёзиёт ва

фалакиёт, табобат ва мусиқа, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида ижод қилган, бу соҳаларнинг ҳар бирида ажойиб асарлар яратган .

Абу Наср Форобий йирик мусиқашунос сифатида ўзидан олдин ҳам мусиқа тўғрисида китоблар ёзилганлигини ўз асарларида айтиб ўтган. У ўзинг мусиқага оид асарларида мусиқий илмнинг айрим масалаларида қатор чалкашликлар мавжудлигини ва шунинг учун ҳам бу камчиликлар хусусида ўз фикрини билдирмоқчи бўлганлигини баён этган. Шарқнинг буюк мутафаккир шоири Абдурахмон Жомий ўзининг “Мусиқа ҳақида”ги рисоласида Форобийни Шарқнинг йирик мусиқашунос олими сифатида тилга олади .

Амир Темур ва темурийлар даврида мусиқий ижод ва ижро шиддат билан мусиқий рисола нависликка ҳам таъсир этмай қолмади. Мазкур даврга оид қатор рисолалар мусиқа илмининг юқори савияда ривожланганлигидан далолат беради. Жумладан, мусиқанинг муҳим тимсоллари тизими, ўрганилаётган даврнинг мусиқа билан боғлиқ барча хусусиятлари ҳақидаги қимматли маълумотларни айтиб ўтиш мумкин. Масалан, Зайнулбиддин Ҳусайний “Қонуни-илми ва амалий мусиқий” рисоласида халқ чолғу асбоби – дуторни илк бор илмий таърифлайди ва унинг хотин-қизлар орасида кенг тарқалганлигини айтиб ўтади.

Темурийлар даврида, саройларнинг бош дарвозалари тепасига махсус ноғорахоналар қуриш одат тусини олган, бу ҳол мусиқа санъатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Маълумки, сарой мусиқий гуруҳларининг асосан карнайчи ва ноғорачилардан иборат етакчиларини ҳукмдорнинг шахсан ўзи тайинлаган ва уларни “Меҳтар” деб атаган. Мазкур тўдалар оммавий байрам ва тантаналарда, масалан, Рамазон ойида бозорларда кечаси ўтказиладиган удум ва маросимларда фаол қатнашганлар.

Катта ва кичик чолғу мусиқий асбоблари Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сига, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларда кўп учрайди. Энг муҳими, уларни умумий безак сифатида эмас, балки мусиқачиларнинг қизгин фаолиятини кўрсатиш учун тасвирланган.

Амир Темур даврига хос бўлган маънавий кўтаринкилик мусиқа санъатининг деярли барча жабҳалари учун кенг имконият яратиб берди: созандалик ва хонандалик, мусиқа таълими, бастакорлик ижоди, мусиқа илми камол топди. Асрлар қаърида шаклланган анъанавий устоз-шогирд таълим тизими кенг қулоч ёзди.

Ўз моҳиятига кўра, том маънодаги уйғониш ҳаракатини яратган бу жараён нафақат Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқандда, балки унинг авлодлари Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур ва бошқалар давридаги Бухоро, Китоб, Балх, Қобул шаҳарларида ҳам кизгин кечди. Ўрта асрлар анъанаси шаҳар аҳолисининг касб-корига кўра, жамоа (маҳалла) бўлиб яшашни тақозо этар эди. Халқ ичида танилган санъаткорлар, ҳокимлар фармонига кўра ёки ўзига қулайлик яратиш мақсадида касбдошлари билан жамоа бўлиб яшашни афзал кўрганлар. Шунга биноан “Хонандалар мавзеси”, “Созандалар маҳалласи”, “Бастакорлар кўчаси” жорий этилган. Бу касб соҳибларининг алоҳида обрў ва нуфузга сазовор бўлганлари атрофида, махсус ижод, ижро ва илмий мавқега эга ижодий мактаблар шаклланган.

Созандалардан Хожа Камолиддин Удий, Али Кармал, Хожа Абдуллоҳ Садр, мусиқий рисолалар муаллифлари Жомий, Биноий, Мавлоно Салимий, Мавлоно Риёзийлар Алишер Навоийнинг энг яқин дўстлари бўлганлар. Буларнинг ҳар бири ва бошқа қатор

мусиқа санъати намояндалари хусусида батафсил маълумотлар, ижодларига тавсиф, яратган асарларига муносабат “Мажолисун-нафоис” саккиз мажлисининг еттитасидан ўрин эгаллайди.

Ҳаммамизга маълумки, улуғ бобомиз Амир Темур даврида маданият ва санъат юксак даражада ривожланган. Унинг Шом шаҳридан Абдулқодир Мароғийни олиб келганлиги ва уни сарой муסיқачиларининг раҳбари этиб тайинлаганлигидан билиш мумкинки, Амир Темур ҳам муסיқа санътига эътиборли бўлган.

Абдулқодир Мароғий асли исфохонлик бўлиб, ўз даврининг муסיқий олими, бастакор ва назариётчи бўлган. У Самарқандга келгач, ўзининг мактабини яратади, кўплаб шогирдлар тайёрлайди ва Ўрта Осиё муסיқа санъати ва маданиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

Абдулқодир Мароғийнинг салафлари бўлган Сайнуддин Урмавий, аш-Шерозийлардан фарқли ўлароқ, Абдулқодир Мароғий усул, куй, чолғучилик муаммоларини асосли ва ҳар томонлама тадқиқ этган. Унинг асарлари XIII-XV асрлар муסיқа ижодиёти, Марказий Осиё муסיқа атамалари хусусида бой маълумотларни беради.

Мовароуннаҳр муסיқа маданияти ва санъати Мирзо Улуғбек (1394-1449) даврида ривожланди ва юксакликка кўтарилди. Машҳур муסיқашунос олим, ижодкор Дарвишали Чангийнинг қаламига мансуб “Тухфатус сурур” номли асарида Улуғбек Мирзонинг шахсан ўзи муסיқа санъати ва маданияти ривожланишига катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтилади. Муסיқашунос – тарихчи Дарвеш Али Чангийнинг маълумотларига таянадиган бўлсак, Абдулқодир Мароғийнинг “Зубдатул адвор”, “Мақосидул илҳон”, “Миатайин” номли асарлари ўз даврида муסיқа маданияти ва санъатининг ривожланишида катта аҳамият касб этган.

Ўзбек муסיқа маданиятининг ривожланишида буюк шоир Абдураҳмон Жомийнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, унинг “Рисола муסיқий” номли асарида ўзбек халқининг қадимий ўн икки мақоми тўғрисида қимматли маълумотлар берилади.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё маданияти, ўрта аср адабиёти ва муסיқа санъатининг энг юксалган даври улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ва тожик классик шоири ва атоқли олими Абдураҳмон Жомий яшаган давр эди. Айни вақтда Абдураҳмон Жомий зўр созанда ва бастакор ҳам бўлган. Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” асарида таъкидланганидек, Жомий ўз замонасида машҳур бўлган “Нақши Мулло” номли асар муаллифидир.

XVI аср шоирлари ва муסיқашунослари, шунингдек, муסיқа илмининг билимдонларидан яна бири Нажмиддин Кавкабий Бухорийдир. У ўз рисолаларида турли муסיқа асбоблари, куйлар, мақомларнинг пайдо бўлиши ҳақида афсоналар, ғазаллар келтириб, Шарқ муסיқий эстетика анъаналарини давом эттирган. Унинг “Рисолаи муסיқий”си устоз анъаналарини Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом эттирган шогирдлари Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандийлар учун муסיқали-поэтик қўлланма бўлган.

Маълумки, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз даврида илм-фанга жуда катта эътибор қаратган, адабиёт, маданият ва санъат аҳлининг сарбони бўлган.

Алишер Навоий мусиқий олим сифатида ўзининг “Маҳбул-қулуб” асарида мутриб (ашулачи), муғанний (созанда)лар ижро услубларининг таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини жуда чиройли тарзда таҳлил қилади. Шу билан бирга най, ғижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, қўбиз, қонун каби мусиқа чолғуларининг фазилатларини таърифлаб беради. “Навоий туюқ чанги, туркий орзиворий, муҳаббатнома, мустаҳзод каби халқ қўшиқларининг саккиз тури, уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради” . Одатда, жўрнавозликнинг асосий негизини мусиқий созлар мажмуи ташкил этади. Ҳар бир чолғу асбоб эса жўрнавозликда алоҳида ўринга ва товуш кўлампидан келиб чиққан ҳолда муҳим мақомига эгадир. Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида ҳар бир созга алоҳида таъриф бериб уларни нечоғлиқ мусиқа олами учун муҳим эканлигини таърифлаб ўтади.

Бобур Мирзо ўзининг машҳур “Бобурнома” асарида Навоийнинг асарларини санар экан “Яна илми мусиқада яхши нималар боғлабтур, яхши “пешравлари” бордур” деб, у замоннинг истилоҳида ашула куйларга “Нақш”, ашуласиз куйларга “Пешрав” дейилишини эслатиб кетади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўз даврида мусиқа санъати тарихи ҳақида қимматли маълумотларни беради. Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзулари салмоқли ўрин тутди. Унинг ғазал ва рубойларида, туюқ ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, беқиёс ҳусни-латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси энгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади. Шоирнинг “Бобурнома” ва “Хатти Бобурий” номли асари мусиқа маданияти ва санъати тўғрисидаги маълумотларнинг борлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, асарда ўз даврининг мусиқа маданияти ва санъати намоёндалари ва санъаткорлари бўлган “Қулмуҳаммад, Абдулло Марворидий, Хусан Удий, Дарвишбек, Юсуф ўтлоқи (Қўбиз), Ғулом Шоди, Шайх қули (ғижжак)лар Навоийнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шухрат топган” ликлари ҳақида баён қилинади.

XVI-XVII асрларга келиб Бухоро, Самарқанд, Хива ва Қўқон воҳаларида мусиқий маданият равнақи тобора юксала бошлади. Мусиқий дунёқарашлар бир томондан кишиларни ўзаро узвий боғланиши мусиқа равнақига катта таъсир ўтказди. Сарой аёнлари учун махсус созандалар бириктирилган. Уларга алоҳида раҳбар тайинланган. Сарой аёнлари учун ҳозир бўлган созандалар ўз раҳбарларига итоатда бўлиб, мусиқий қонун қоидаларга қатъий риоя этишган.

XVII асрнинг яна бир мусиқашунос олими, бастакор, созанда, ҳофиз ва шоир, тарихчи, мусиқа илмининг назариётчиси Дарвиш Али Чангий Хуросон маданияти марказлари бўлган Бухоро, Балх, Андижон, Кеш, Самарқанд каби шаҳарларда яшаб ижод этган. Унинг бир қанча қасида, ғазал, рубойлари ҳамда “Рисолаи мусиқий” асарлари бизгача етиб келган. Мазкур рисола XVI-XVII асрлар мусиқа санъати ва маданиятининг асосий манбаи сифатида катта илмий аҳамиятга эга. “Форс тилидаги 12 бобдан иборат бу қўлёзма Жомий ва Кавкабий рисолалари ҳамда Хусайн Охун, Имом Кулий Удий, Зайтун Ғижжакий каби мусиқа устодларининг асарларидан тўпланган маълумотлар асосида ёзилган. Шунингдек, муаллиф Амир Хусрав Дехлавийнинг мусиқий қарашларини ҳам ўз асарига киритган” . Асарда Мовароуннаҳр ва Хуросон мусиқа арбобларининг



таржимаи ҳоли ва XVI-XVII асрлардаги мусиқа ҳаёти, бастакорлик санъати, мусиқа созлари, мусиқий-назарий ва ижрочилик масалалари ўзининг ифодасини топган.

Қайд этиш жоизки, XX асрнинг алломаларидан бири Абдурауф Фитрат ҳам бу хусусда ўз фикрини баён этиб “Ўзбек мусиқаси тўғрисида”ги мақолада ўзбек мусиқасини жуда бой тарихи борлиги ҳақида фикр юритади. “У бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган: Бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир, бир мусиқаки ўзининг текширишга лойиқ назарияси, усули бор: уни мақтовга сазовор деганлар тўғри сўзлайдилар” деган фикрни айтади. Шунингдек, Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ансамбль (жўр) ижросига ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Кўп вақтлар кўб бирларда бир танбур, бир дутор, бир ғижжак, бир найдан бир “жўр” тузадирлар. Ҳолбуки бир ғижжак бир танбурнинг мазасини албатта қочирадир. Эски мусиқийшуносларимизнинг завқлариға кўра “Жўр” (қўшма) тузмакнинг тубандагича, ё шунга яқин тартиблар бўлуши лозим.

1. бир танбур, бир рубоб, икки най, бир қўбуз, бир дутор, бир ғижжак, бир балабон, бир қўшна;
2. икки танбур, бир қўбуз, бир дутор, бир най, бир доира;
3. икки танбур, (биртаси камонча билан чалинадир), бир қўбуз, бир доира”.

Ҳар бир давр ва ижтимоий ҳаёт ўз ривожи асосида ансамблларнинг таркиб топишини жонли жараён билан боғлиқлигини намоён этиб келган. Масалан: дамли ва урма чолғулар ансамбли доимо ҳар бир даврда ҳам, ўз уйғунлиги билан амалиётда машхур бўлиб келган. Созандалар ансамблига муҳит ва давр доимо ўз таъсирини ўтказиб келган.

Ўз даврининг донишманди – Ферузшоҳ (Хоразм) даврида мусиқа илмига эътибор юқори савияда бўлган. Хива хонлиги музофотида 32 та созандалар (гуруҳи) фаолият кўрсатишиб, уларнинг ҳар бири ўз дастури ва маҳоратини намоёиш этиб шахсан хон рухсатидан сўнг ўз фаолиятини давом эттирган. Мақом санъатини изчил йўлга қўйиш учун Ферузшоҳнинг назорати остида сарой созандалари гуруҳи (ансамбли) тузилади. Бу ишга ўта лаёқатли ҳофиз ва чолғучилар жалб этилади. Кейинчалик малакали созандалар сафини доим тўлдириб бориш мақсадида энг етук устозларга шогирд тайёрлаш вазифаси юклатилади. Шогирдларга парда ва усул тизимларини куй ва ашулаларга мос масалалар ўргата борилган.

XX асрнинг бошларига келиб, Ўзбекистонда халқимизнинг турмуш тарзи ўзгариши муносабати билан мусиқа санъатига бўлган қарашлар ҳам тобора ижобий томонга ўзгара борди. Ижтимоий ҳаёт билан биргаликда Республиканинг турли воҳаларида жамоавий меҳнат тартиби тузила бошлади. Замонга мослашиб воҳаларда ҳам чолғу созлар ансамблини жорий қилиш имконият даражасида амалга оширилиб борди. Даврнинг энг долзарб асосий ғоялари ҳам жамоаларда етакчи созандалар ансамблини фаолият кўрсатиши эди. Бундаин дасталарнинг таркиб топиши ўзбек мусиқа меъросида янғича бир босқич сифатида кириб келди. Ҳар бир созандалар дастаси турли мусиқий чолғуларни ўз таркибига олиб, оммавий ижро учун мўлжалланган. Шу тартибда дасталар ижро услублари халқ орасида оммалашиб боради.

Элда “Левича ҳофиз” номи билан танилган Леви Бобохонов 1873 йилда Бухорода таваллуд топган бўлиб, мақом йўлларини танбур ва доира жўровозлигида ўзига хос

услугда маҳорат билан ижро этган. Левича ҳофиз 1890 йилдан бошлаб Бухоро амири саройида хизмат қилган. 1921-1923 йилларда Бухоро Шарқ мусиқа мактабида дарс берган. Сўнг Самарқандга кўчиб келган. Унинг ижодини Моше Бобохонов невараси Ариэл Бобохонов давом эттирилган. Биз учун энг аҳамиятлиси, кўҳна мақом санъати бугун ўзининг баркамол бадий-эстетик аҳамиятини тиклаб, замонавий мусиқа жараёнининг ажралмас қисми сифатида беқиёс ижодий, ижровий ва илмий салоҳиятини намоён этаётир.

30-50 йилларда мусиқа соҳаси кескин ривожланди ва воҳаларни ўзининг забардаст, ўта дидли мусиқа илмини ўзига хос намоёндалари ўз фаолиятларини бошлайди. Бу фикримизга – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқа устаси, моҳир халқ созандаси, ташкилотчи ва мураббий уста Рўзиматхон Исабоев (Наманган 1885-1964 й.) танбурчини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Улар тузган ансамбль таркибида: - Иномжон, Баҳриддин, Шариф хожи – ғижжакчи, Маллавой – чангчи, Эргашвой – танбурчи, Тошмирза – сурнайчилар каби созандалар фаолият олиб боришган.

1927 йили Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли ташкил этилади. Дарҳақиқат, бу ансамбль мумтоз мусиқа соҳасини моҳир созандаларининг мажмуаси эди. Ансамбль ижрочилари: найчилар – Дадаали Соатқулов, Сайдали Калонов, кўшнайначи – Ҳайрулла Убайдуллаев, чангчилар – Ниғматжон Дўстмухамедов, Фахриддин Содиқов, дуторчилар – Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар – Рихси Ражабий, Маҳсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар – Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, дойрачи – Дадахўжа Соттихўжаевлардан иборат эди. Уларнинг асосий мақсади мумтоз мусиқа меъроси намуналарини ижро этиш, ҳамда мусиқа санъати равнақи йўлида изчил мақсад сари бориш эди. Бизнинг назаримизда ана шу даврдан бошлаб, халқ ижрочилик санъатида хусусан, гуруҳ бўлиб ижро этиш, яъни ансамбль ижрочилигида турланиш даври бошланади.

XX асрнинг 30 йиллари ўрталарига келиб, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида адабиёт ва санъат кунларини ташкил қилиш одат тусига кириб борди. Ва шу боис йирик ашула ва рақс ансамбллари ташкил этила бошлайди. Ўз вақтида 20-30 кишидан иборат катта ансамбллар саҳналарни тўлдириб ўша давр мафқурасига хос бўлган дабдаба ва улуғворлик кайфиятини яратиш учун лозим эди. Созлар мумкин қадар кўпайтирилиб, катта бир товуш гулдастасини ҳосил этарди. Шу тарзда, давр тақозоси билан амалиётда турли хил ашула ва рақс ҳамда дуторчилар ансамбллари, турли вокал ва оркестрлар жамоаси тузилиб, ижрочилик амалётида ўз фаолиятларини олиб борар эдилар.

XX асрнинг 50 йиллари охирида ўзбек мумтоз мусиқасига алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли тузилади. Бу ансамблга ўз замонасининг энг етуқ мақомдон созанда ва хонандалар таклиф этилади.

### References:

1. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 26
2. Маннопов С. Ўзбек мусиқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 26

3. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. Б. 26
4. Мавлонова Р, Тўраев О, Холиқбердиев К. Педагогика. –Тошкент: Ўқитувчи. 2002. –Б- 16
5. Матёқубова О. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1983. –Б. 10.
6. Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. –Ленинград: 1977. –С. 85
7. Уватов У. (Тузувчи). Буюк юрт алломалари. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2016. – Б. 84
8. Феруза Асқар. Мусиқа ва инсон маънавияти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2000. –Б. 60
9. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. –Тошкент: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. 1963. –Б. 175
10. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2003. 6-том. –Б. 145
11. Ўзбек мусиқа тарихи. Тузувчи М.Соломонова. – Тошкент: Ўқитувчи. 1981. Б. 14
12. Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. (масъул муҳаррир Т.Б.Ғофурбеков). –Тошкент: Санъатшунослик илмий тадқиқот институти. ЎЗР ФА Фан нашриёти. 1997. –Б. 17
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2002. 3-том. –Б. 200
14. Қамбаров А.А., Маннопов С., Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. –Фарғона. Фарғона нашриёти. 2021. –Б. 60, 72, 73,
15. Абдурауф Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –Тошкент: ЎЗР фанлар академияси фан нашриёти. 1993. –Б. 41
16. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 26